

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Ҳафтанинг юлдузли онлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14-феврал куни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, Республика вазирликлари, кўмига, уюшма ҳамда компаниялари раҳбарлари билан учрашди. Учрашув қишлоқ хужалигида ислохотларни жадаллаштириш масалаларига бағишланди.

Учрашувни Президент Ислом Каримов бошқарди.

16 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Нурлан Бағимбаевни қабул қилди.

Учрашувда мамлакатларимиз уртасидаги узаро ҳамкорлик муносабатларини, хусусан, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Украина Президенти Леонид Кучманинг таклифига биноан шу йил 18-20 феврал кунлари Расмий ташриф билан Украинада бўлади.

16 феврал куни Ўзбекистон ва Украина халқлари уртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, икки томонлама давлатлараро муносабатларни ривожлантиришдаги улкан хизматлари ҳамда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириш ишига қушган салмоқли ҳиссаси учун Украина Президенти Леонид Данилович Кучма «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Спорт — тинчлик элчисидир. Бизнинг мақсадимиз ҳам — тинчлик, осойишталик ва шу асосда жаҳон аҳли билан ҳамкорлик қилиш.

Ислом КАРИМОВ



ОЛИМПИАДА ШУКУҲИ



Шу кунларда жаҳон спорт воқеликлари маркази Япониянинг Нагано шаҳрига кучган, десак муболага бўлмас. Бу ерда XVIII Қишки Олимпиада уйинлари булиб утаяпти. Шуниси қувончлики сайёра-

мизнинг 83 мамлакат вакиллари иштирок этаётган ушбу нуфузли беллашуларда жонажон Ўзбекистонимиз спортчилари ҳам голиблик учун куч синашишади. Гарчи Ватанимиз вакиллари қишки Олимпиада баҳсларида иккинчи бор қатнашаётган бўлсаларда, бироқ оқ Олимпиада иштирокчилари Ўзбекистон номини яхшигина билишади, эслашади... 1994 йил феврал. Лиллехаммер Олимпиадаси. Юртдошимиз Лина Черязова фрестайлнинг акробатика турида нималарга қодир эканлигини исбот этди. Олимпиада чемпиони голиблик шохсупасига кутарилди. Унинг шарафига мамлакатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз сарбаланд кутарилди. Худди шу қизимизнинг жаҳон кубоги баҳсларидаги икки бор эришган галабаси Ватанимиз шухратини янада оширди... Орадан икки йил утгач, қишки спорт тури буйича Осиё қитғаси кучилари Хитойнинг Ҳарбин шаҳрида тулланишди. Худди шу беллашувда ҳам юртдошларимиз фрестайлчи Сергей Бренер «бронза», музда нафис учувчимиз Татьяна Малинина эса «кумуш» медалини қулга киритиб, галабаларимизни янада мустаҳкамлади.

...Бугун Наганода 5 нафар спортчимиз Ватан шарафини муносиб ҳимоя этишга чоғланишапти. Улар фрестайлчиларимиз Олимпия чемпиони Лина Черязова ҳамда Сергей Бренер, музда нафис учувчилар Татьяна Малинина, Роман Скорняков, тоғчанги спорти устаси Комил Урумбоевлардир. Ҳозирча Роман мусобақада иштирок этиб, кучли спортчилар уртасидаги баҳслар натижасига қура, фахрли 19-уринни қулга киритди. Кеча Лина ҳам дастлабки босқичда қатнашди. Биринчи уринишдаги курсаткичи 13-урин билан кифояланиб турибди. Галабаларни такрорлашга ҳали имконият бор. Қолган вакиллари-миз ҳам энди баҳсларга киришишади.

Сунги суз урнида биз барча ҳамюртларимизга зафарли одим, кутаринки кайфият ва галабалар ёр булишини тилаб қоламиз.

Шерали ҲАБИБУЛЛАЕВ

УШБУ СОНДА:

2-БЕГ:

АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

5-БЕГ:

ИЗГИРИНЛИ КУНЛАРДАН БИРИ

7-БЕГ:

ЎТЎҚОҚ **БЛА...** **ЎТЎҚОҚ**

9-БЕГ:

БЎРИДАН ЧИҚҚАН ТУПКИ

11-БЕГ:

СУПЕРКРОССВОРД

12-БЕГ:

КУЙТА ПЎЛДИР ДУНЁНИ

«Оила шажараси» танловига

**БОБОЛАРИМ СУЯК
СУРИБ ЎТГАН ЕР**

Севимли газетамизда Оила йили муносабати билан «Оила шажараси» танловини ўтказишга қарор қилиб жуда хайрли ишга қул урибсизлар. Бундан бениҳоя хурсандман. Ахир, ўгмишини унутган, келажакда чоғга қулайди, дея бежиз айтишмаган-ку. Ушбу танлов баҳона, уруғларимизнинг катталари билан суриштириб-суриштириб, қолаверса, район, вилоят архивларидан қовлаштириб, етти уруғимизни бирма-бир билим олдим. Улар қуйидагича:

1. Отам Шомуротбой. 70 га яқинлашиб қолганлар.
2. Бобом Эргашбой, 43 йилда урушга жўнаб, бедарак кетганлар.
3. Эргашбой бобомнинг оталари Омонкул.
4. Омонкул бобомнинг оталари Турақул.
5. Турақул бобомнинг оталари Чоршанби.
6. Чоршанби бобомнинг оталари Ёқуббой.
7. Ёқуббой бобомнинг оталари Эрлапас.
8. Эрлапас бобомнинг оталари Валломат бобо булган эканлар. Олдоҳ таоло ҳамма утганларнинг қабрларини нурга тулдирсин!

Бахтиёр ЭРГАШЕВ,

Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, А. Навоий помидога жмамо хўжалиги

**АВЛОДИМИЗДАН
ФАХРЛАНАМИЗ**

Тарих фанидан дарс утишим туфайли булса керак, «Оила шажараси» танлови элон қилингани менга роса маъқул келди. Зора уқувчиларимиз ҳам етти ота нарини билиб, фахрланиб жоринса, қандай яхши бўларди.

Мен ўзим бир неча йиллик изланишларимдан сўнг, уруғ суриштириб наслимиз бошида турган тўққиз бобокалонимнинг исмини билиб олдим:

1. Оққуш — Мерган бобом,
2. Навруз бобом,
3. Бесим бобом,
4. Қурбонбой бобом,
5. Усмон бобом,
6. Отай бобом,
7. Ёқуб бобом,
8. Турахон бобом,
9. Зокир отам.

*Ҳурмат ва эҳтиром билан Турахонова Саодат ЗОКИР кизи
Тошкент шаҳар,
Ҳамза тумани 227-мактаб ўқитувчиси*

Ахборот

Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳар ҳокимлигининг мажлислар залда шаҳар хотин-қизлар кенгаши ва шаҳар прокуратураси ҳамкорлигида аёл, оила ҳуқуқ мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Йигиринчи шаҳар ҳокими муовини, шаҳар хотин-қизлар кенгашининг раис Э. Маҳмудхорова очди. Семинар йиғилишида шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Комилжон Одилов аёл, оила ва ҳуқуқ мавзусида маъруза ўқиди. Маз-

АЁЛ, ОИЛА, ҲУҚУҚ

кур талбир қатнашчилари Республика Президенти ва ҳуқумати оиллага алоҳида меҳр ва гамхўрлик билан қараётганлигини катта мамнуният билан таъкидладилар. Бу бежиз эмас, албатта. Жамият олдида турган вазифалар бевосита оиллага бориб тақалади. Оила фаровонлиги-давлатимизнинг асл мақсади. Оиллага давлат аҳамиятига молик масала сифатида қараётганлигининг боиси шунда. Семинар йиғилишида ана шу масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдириди.

Қ. АБДУҚУНДУЗОВ

**АЁЛ БИЛАН ОЛАМ
МУНАВВАР**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға қура, 1995 йил 2 маргта Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Бош Вазир уринбосари, Қорақалпоғистон республикаси, вилоят, туман ва шаҳарлардаги хотин-қизлар қўмиталари раислари ҳам ҳоким уринбосарлари даражасига қўтарилган эди. Табиийки, бундан мақсад эндигина оёққа тураётган мустақил республикамиз иқтимоий ҳаётида хотин-қизлар ролинни ошириш эди. Бугунги кунда хотин-қизлар қўмитаси олиб бораётган ишлар, улар эришаётган ютуқлар бу йўлнинг беқорга танламаганлигини курсатди. Бевосита қўмита раҳнамолигида хорижий ташкилотлар билан биргаликда ўтказилган анжуманлар жаҳон аҳлига янгиланаётган ва унинг ривожига бевосита ҳисса қўшаётган ўзбек аёли ҳақида кенг тушунча берди.

Бундан ташқари Республикаимизнинг деярли барча нуқталарида ўтказилаётган турли танловлар, учрашувлар, ҳуқуқий суҳбатлар қарийб бир аср тутқунликда булган, гуё онгли ҳаётга беғоналек бир четга суриб қўйилган ўзбек аёлини дунё билан, ўзи яшаётган жамият билан янада яқинлаштириди, ҳамда бу жараёнларда бевосита иштирокини таъминлади. Булар, албатта, хотин-қизлар қўмитаси бажараётган савобиди, эл ҳамда миллат учун қадрли ишлардан бир-иккиси ҳолос.

Шуни очиқ тан олиш керакки, ушбу дамда қўмита фаолиги боис унга мурожаат қилувчилар, уни ҳамлард билиб ўз мушкулотини уртқоқлаштини истовчилар қупайди. Айни шу масалала кўпчилик муҳарририятимизга жойлардаги қўмита булимлари манзилли сураб мурожаат қилишали. Биз уларнинг огирини енгил қилиш учун ушбу руйхатни нашр қилишни лозим топдик.

Вилоят хотин-қизлар қўмиталари раислари ШАМСИБОЕВА Муаззам Мамадалиевна (Андикон) 37422; 5-49-82

АБДУЛЛАЕВА Замира Мирсаъдуллаевна (Бухоро) 3652; 4-28-65

ТУЙЧИЕВА Сайёра Сийрқулловна (Жиззах) 37222; 3-31-88

АННАҚЛИЧЕВА Гулистон Аҳмедовна (Қорақалпоғистон республикаси) 36122; 7-82-76

РУСТАМОВА Маликашон (Наманган) 36922; 6-31-53

ЮРИКОВА Людмила Петровна (Навоий) 43622; 3-79-72

МИРЖАЛОЛОВА Хожар Ҳайдаровна (Сирдарё) 36722; 25-13-12

НОРБОЕВА Шарофат Маматқулловна (Сурхондарё) 37622; 3-65-56

ХУЖАЕВА Сайёра Отахоновна (Тошкент вилояти) 133-95-83

ХАЙИТОВА Назира Мусаевна (Самарқанд) 36-62; 33-18-94

Маърупова Гулнора Маҳмудовна (Фарғона) 37-32; 24-71-70

РАҲИМОВА Муяссар (раис уринбосари, Хоразм) 36-222; 6-06-84

ИСМОИЛОВА Коммуна Насриддиновна (Қашқадарё) 37522; 4-45-57

АБДУРАҲИМОВА Фарилда Йўлдошевна (Тошкент шаҳри) 138-04-11



Хафа қилишди

**ЖАҲОН
АЙВОНИДА**

Собиқ совет давридан қолган «мерос»лар ҳали-ҳануз бир пайталари бу иттифоққа кирган, бугунги кунда мустақил давлатларнинг фуқароларини бевозта қилиб келатир. Литва республикасининг Махсус архиви директори уринбосари бўлиб ишлаган Антанас Шолюнас юқори лавозимга қўтарилиб, мамлакатдаги барча архивларнинг бошлиғи этиб тайинлангандан сўнг унинг кабинетини тасодифан Литва ССР КГБсининг ҳужжатлари топилди. Бу «топилдиқ», деб ёзди «Труд» газетаси, мисоли бомбанинг порлаганидай бугун республикада акс-садо берди. Маълум бўлишича, топилган ҳужжатлар собиқ совет ҳокимиятининг ихтиёрий хизматчилари — «халқарқаш»ларга доир маълумотлар экан.

тиб, улардан бирор-бир гаразли мақсадларда фойдаланишни кўзда тутмаганини эътироф этган. Литва сиёсий доираларида ҳокимият учун кураш олиб борган бир неча сиёсатчилар совет даврида КГБ билан алоқа қилгани фош бўлиб, кураш майдонини тарқ этишганди. Ва фош этишлар шу қадар авж олиб кетдики, охир-оқибат Литва Олий Кенгаши республикадаги собиқ КГБнинг барча агентураларини авф этиш ҳақида қарор чиқарди ва бу ташкилотнинг архивларини ун йил муддатта епиб қўйиш тақлиф этилди.

Ироқ билан АҚШ уртасидаги инкирознинг фавқуллода қулайиб, уруш хавфининг туғилгани президент Б. Клинтоннинг 21 ёшли Моника Левински билан боғлиқ можароларини бир қадар четга суриб қўйди. Бирок «Санди таймс» газетасининг ёзишича, Клинтонни М. Левински билан алоқа қилганликдаги

айбашлар президент обрусини жамоатчилик назарида беҳад ошириб юборган. Утган кунлар мобайнида Клинтон тарафдорлари унга қўйилаётган айбларга қарши чиқишиб, ишши узлари тарафига анчагача унлаб олишга эришадилар. Америка жамоатчилиги эса бу можароларни эшитишни ҳам, қулида қудратли ҳокимиятни унлаб турган, ҳалқ ва давлат тақдирига маъсул, уруш ва тинчлик масаласини ҳал этувчи шахс — президентни айбашларга чек қўйишни сурашмоқда. Газеталарга ёғилиб келатган мактубларда аллақандай бир хонимнинг алмоий-алжойи гаплари билан президент обрусига пугур етказишга, унинг шахсий ҳаё-

тига аралаштишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деган гаплар айтилмоқда. Телевидениедаги шарҳлардан бирда ушбу можародан сўнг америкача ошқоралик ва ахлоқ қондалари қайта куриб чиқирилиши мумкин, деган фикрлар ҳам билдирилди. Зеро, Клинтон билан М. Левинскининг бу «ишлари»га доир матбуот чиқишларида бепарда гап-сузаларни ишлатишда меъер нималигини билмай қолишган. Ҳажвчи Жей Лено бундай ҳолни масхаралаб, эндиликда 18 ёшга тулмаганларга янгиликларни куриш таъқиқланади, деб ҳазил қилди.

Францияда ҳар йилнинг бошида фуқаролар уртасида узига хос суров ўтказилади. Бу суровларда французлар узлари энг яхши деб ҳисоблаган таниқли ватандошлари номларини эътироф этишади. 1998 йилги суровларда ҳам француз жамоатчи-

лиги уз анъаналарига содиқ қолишди, дейиш мумкин. Маълумки, бу мамлакат фуқаролари орасида сиёсатчилар ёки спортчилар эмас, балки санъаткорлар купроқ машхур ҳисобланади. Жорий йил ҳам бундан мустасно эмас.

Суровлар натижасига қура, биринчи урин, аббат Пьерга берилган. Бу кекса рўҳонийнинг обруси камбағаллар ва бева-бечораларнинг гамхўри сифатида Францияда машхур. Иккинчи уринчи композитор, қўшиқчи 40 ёшли Жан-Жак Голдман, учинчи уринини эса француз киносининг юлдузи ва айтиш мумкин-ки, фахрийси 64 ёшли Жан Поль Белманно эғаллади. Мамлакат президенти Жак Ширак ҳам бу йилги суровларда ёмон натижага эришгани йўқ. Суров натижаларига қура у олдинги 34-уриндан 29-уринга қутарилди.



**СОХТА
МОНАХЛАР**

Малайзий ҳукумати мамлакатда истиқомат қилувчи будда монахларини руйхатдан ўтказиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжат беришга қарор қилди. Буни мамлакатдаги бир неча юз монахларнинг узи таклиф қилиб чиқишиди. Саббаби, кейинги пайтларда сочини устара билан қирдириб, эҳром спинган бир тула кипилар узларини будда монахлари қилиб курсатиб, одамлардан монастыр учун хайр-эҳсон йиғиб юришибди. Яқинда монахлар ана шундай «сохта монахлар»дан бир нечтасини ушлаб полицияга топширди.

**ТЎҚҚИЗИНЧИ
УРИНИШ**

Америкалик машҳур кино юлдузи Элизабет Тейлор уч йил бурун саккизинчи эри билан ажранганди ва шундан бери узини елгиз сезиб юрарди. Ниҳоят у тўққизинчи муҳаббатини топди. Лиза хоним 72 ёшли Ред Стайгерга кунгил қўйди. Қур-қур билан қоронғуда топишади, деганларидек, жаноб Стайгер ҳам беш марта чимидликка киришга улгурган.

ЎЖ - КАМЕРА

Мордовия Олий суди «милиционерлар иши»ни куриб чиқишга киришди. Бу «иш»нинг мазмунидан ва айбланувчилар — Саранск шаҳри ИИБнинг етти нафар оператив ходимларининг кимлигидан бутун Мордовия хабардор. Улар хизмат вазибаларини суиистеъмол қилиб, бир талаба йигитнинг улимига сабаб бўдилар ва икки нафар ДАН ходимини қийнаб, оғир тан жароҳати етказганликда айбланишмоқда. Бу жиноятлар Саранск ИИБдаги «қийноқ камераси» номини олган 306-камерада содир этилган.

**СИЁСАТ
БОЗОРИДАГИ
ПАРХЕЗ**

Грецияда чоп этилган «Олмония» газетасининг ёзишича, 1997 йил ноябрида Украина махсус хизмат органлари килерлар (ёланган қотиллар) гуруҳини ушлашган. Улар 10 миллион доллар эвазига мамлакат президенти Леонид Кучмани ва Бош вазирни улдиришлари керак эди. Агар қулга тушиб қолшмаганда...

*Хорижий матбуот
хабарлари асосида
тайёрланди*



*Айиб ва афвдан Собир қорни ёлми
СОБИРИҲОНИ!*


Онагинангни елгизсан, 10 болангни отасисан, мустақиллик шарофати ила орзуларинга етгин.
Оталек гамгузор қайда,
Оналек меҳрибон қайда
Мангиндек жон қуяр қайда
Болажоним, таваллуд айеминг муборақ!

Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Илоё, бахтимизга ҳамиша соғу саломат бўлинг. Уйлаган ниятларингизга етиб, фарзанглирингиз камолини куриб юришликни Оллоҳдан сураб қоламиз.

**Эҳтиром ила волидангиз Камолхон ая, синглингиз
Хожияхон, фарзандларингиз Боситхон, Мақсудхон,
Маҳмудхон, Фозилхон, Ҳасанхон-Ҳусанхон ҳамда 15
нафар набираларингиз**

*Шокият шайх, Юнусовод турани
Надирабегим номидан 265-мактабнинг 1-
«Б» синф ўқувчиси айиб ва меҳрибон
ёлми ЖАББОРОВ Фаррухон!*

Ҳаётингда учмас ёрқин юлдуз бўлмиш Алифбо байрами билан чин юракдан табриклаймиз. Бостан қаламингиз кутлуг, орзуларингиз ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин. Илоё бизнинг бахтимизга соғ ва саломат бўлиб юртингиз.



*Онажонимиз ХУДОЙҚУЛОВА Чинни
Шайхрўфта қизлари ёл бир болани
табриқлаган «Қаҳрамон она»лар.*

Биз онамизни кутлуг 50 ёши билан табриклаб, соғ-омонлик ва узоқ умр тилаймиз.

Шариф домла оиласи аъзолари



ХАЛИФИҲОЖОН

Сени 24 феврал — таваллуд айеминг билан табриклайман. Сенга сўхат-саломатлик, узоқ умр, яхши кайфият тилайман. Дусту қадрдонлар меҳри ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

**Уғлимиз Мансурхон, жиянимиз
Замирахонлар номидан умр
йўлдошинг**

Мўминхон Эрматов

**Бўлинг Собирахон, Онанг Венерахон, тоғаларинг
Дониёр ва Баҳромхонлар**

Муҳаббат, сен гўзалсан!

Қушқургон қишлоғилик мажруҳ ака-укалар ҳақида «Ҳовлидаги райхонлар» сарлавҳали мақола ёзгандим. Ҳайит кунларининг бирида йулим тушиб уша хонадонга бордим. Уйда янги келинчак — Дилбардан бошқа ҳеч ким йўқлиги боис у билан танишиб сўхатлашиб утирдик.

— Опам фожали ҳалок бўлганларидан сўнг узимни қуярга жой тополмай қолдим, — дейди Дилбархон. — Бир-биримизга қаттиқ урганиб қолганимиз учунми, шурлик опажонимнинг сиймоси куз олдимдан асло кетмасди. Шундай кунларнинг бирида «ҳордиги чиқар» дедиларми, онам мени узлари билан Товоксой пансионатида дам олаётган аммамни қургани олиб кетдилар. Ҳаммаси шундан бошланди.

... Пансионатда онам аммагга қўшни хоналардан бирида дам олаётган Бахтиёр исмли йигит ҳақида илиқ гапларни айтдилар. Ҳовлига чиққаннимизда аммам ногиронлар аравачасида утирган Бахтиёр билан бизни таништирди. Янги танишимиз билан ҳолаҳвол сурашиб бироз сўхатлашгач, узимда унга нисбатан қандайдир меҳрми, ачинишми сеза бошладим. Кейинги келишимизда аммам билан онамнинг сўхатига халал бермаслик учун ҳовлига чиқдим. Ва... Яна Бахтиёрга рубару келдим... Унга опамнинг шёрларидан ўқиб бердим. Бахтиёр акам ҳам шёр ёзаркан, бир-иккитасини ўқиб бердилар ва кейинги келишимда опамнинг шёрларини олиб кели-

шимни тайинладилар. Кетар чоғ... хайрлашганимизда кузлариди мунгни куриб рости галяти бўлиб кетдим. Гуё у яқин одамимга айлагандек эди... Кейинги гал аммамнинг олдига келганимизда опамнинг шёрларини ҳам олиб келдим. Уша кун Бахтиёр акамни пансионатнинг салқин боғларидан анча айлангирдим... Аравачани аста итариб юрарканман, атрофимиздагилар ҳам қизиқсиниб, ҳам ачиниш билан, айримлари эса истехзо затаётганлар куп. «Қани, охири нима қиларкансан?» — дея узимга айтганлар ҳам бор.

Аммо турмушимдан нолимайман. Бахтиёр акамни аравачасида туйларга олиб боршдан, сайрларга чиқишдан асло тортинмайман. Ахир, бизнинг оиламиз чин севги асосида бунёд бўлган, баъзилардек, бир-икки ой яшаб арзимаган жанжалга ажралиб кетиш ниятимиз йўқ.

... Яқинда раҳматли қайнотамнинг қабрларига бориб

дуойи-фотиҳа ўқиб келдик. Қабристондан қайтишда Бахтиёр акамнинг бир гаплари менга қаттиқ таъсир қилди. — Биласанми, Дилбар! Айримлар бахтни машинада, пулда ёки лавозимда дейишади. Мен эса бахтни инсоннинг турт мучаси соғлом булишида деб биламан. Сен билан бахтиман. Сен-ла учрашганда йуқотган нарсамни топганлигимни қалбан ҳис қилгандим. ... Отам вафот этганларида биринчи марта мажруҳлигимда мени севганим кутаётганди. Кейин... мен бу кишига нафақат умр йўлдоши, керак бўлганда қули-оғи бўлиб, хизматларини қилиш учун ҳам танлагандим. Одамларга ҳайронман. Ишонсангиз ҳалиям бизни ку-

**РАЙҲОНЛАР ЁНИДАГИ
ТУЛ...**

Оила

46 ЁШДА

Тошкент шаҳрида яшайман. Уз уй-жойим бор. Олий маълумотли, иқтисодий таъминланганман. Оиламдан ажрашганман. Уйим-жойим дейдиган, болаларни яхши тарбиялаб устирадиган, оқила уй бекаси — умр йўлдоши излайман.

«Оила-501»

ланки, тобутни бегоналар эмас, биз уғиллари кутаришимиз керак эди. Ҳаётда отам бечора бизни дея қанчалик олиб-югурди, не-не оstonаларга бошини урди. Баъзан бизни қўлларига кутариб гоҳ айвонга, гоҳ ҳовлига олиб чиқарканлар, кузларидан алам, армон ёшлари туқиларди. Куя-куя охири оламдан утди. Мана энди узимизни тиклаб, уйланганимизда узи орзулаган келинини ҳам куриш насиб этмади. Бахтимизга энди онажонимиз омон бўлганлар...

Дилбар сузаларини тутатар чоғи эшик очилиб қайнэгачиси Захро кириб келди. Уни турга таклиф этаркан, Дилбар «мен ҳозир» дея кузага чопиб кетди. Захро билан хайрлашиб мен ҳам йўлга отландим. Ҳовлига чиққаннимизда дарвоза олдида бир қули билан Бахтиёр утирган аравачани оҳиста итариб, бир қули билан бир даста қил-қизил гулларни бағрига босиб егаётган қордан пана қилганича Дилбар келарди...

Басира САЙИД АЛИ

ЎЛФИЗЛИК ТАШБЕҲИ

Турт девор турт томондан руҳимни қиймалар... Утаётган вақтим, бахтим, бахтсизлигим... Соғинч, яқинлашаётган висол, орта чекинаётган ҳижрон... О, олтинга тенг дақиқаларим... Сувда унган нилуфар гулидек омонат умрим... Яна нелар бор менинг тақдиримда. Қисмат бу инжа жонимда яна не қаслинг бор, яна нени истайсан... Айт ахир, не қилай, ундан кечайму... кетайму... Қайга урай пешомамни... Она, нечун дуоларингиз тақдир денгиздан омон олиб утмайди... умрим сокинликда кечмайди... Ва ё гуноҳларимиз тирноққадарми...

Эй дунё, мен ҳам узгалардай шодон қийқириб юрмоқни, багрингни туддириб кулмоқни, ёлгондан ваъдалар бермоқни эрдай оларман. Аммо кимга бир наф алдовларимдан... Эҳ, бугун гуллар ифоридан безган кунгил шувоқлар исини кумсар тунлари... товоғларим тупроқла дийдорлашмоқ истайди. Тонгта омон етсам бўлгани... Сунг барига қул силтайману... қишлоққа кетаман хайру хуш, дея...

Баҳриддин АБДУ САИД.

ОТА

Қатра

Қампири сузма солиб берган эскигина буз халтани кутарган отахон салобатли идора рупарасида узоқ туриб қолди.

Бу углимининг ишхонаси, шундай кириб бораверсам, нима деркин-а? Ҳе, келин чеҳраси ёришиброқ кутиб олмади-ям...

— Отахон, келинг. Кимни излаясиз? — кўҳликкина жувон салом бергач суради.

— Каттақонларинг шу ердами, қизим?

— Ҳа, Қим келдилар деб айтмай?

— Узим бир қарайчи...

— ...

— Болам, кирсак буладими?

Угил уз отасини ҳайрон бўлиб қарши олди. Сунг шоша-пиша идора — уй эмаслигини, бу даргоҳга қанча казо-казолар келиб кетишини, бегоналар нималарни уйлашини уқтира кетди.

Ниҳоят: «уйга бориб кутиб утиринг», деб чиқариб юборди.

Чол, углининг уйдан... келаётган эди.

Норинисо ҚОСИМОВА

ГУЛЛАР ҚАМ ЙИГЛАЙДИМИ?

Ҳаяжон

... Ушанда баҳор эди.

Дарахлар кийғос гуллаган, аҳён-аҳёнда оқ, пушги гулбарглар баҳор шаббасида дув этиб яшил майсалар устига тукилади.

Қамбарой турт яшар угилчаси билан айланиб юраркан, ушбу манзарара термулиб чуқур хурсиниб қўйди. Бир пайт угилчаси тойқоқдай чопқиллаб, гулларни босганича югура кетди. Қамбаройнинг гулларга раҳми келиб: «Гулларни босма углим, улар йиглайди. Қара, нима қилиб қўйдинг», дея эзилган гулларни авайлаб қафтига олди. Бола онасининг қузига бир сония ҳайрат билан боқиб, сунг юраги ниманидир сезгандай узини унинг бағрига ташлади. «Ойижон, гулни боссам йиглайдими-а? Кейин сиз ҳам йиглайсизми? Агар сиз йигласангиз мен ҳам йиглайман, ҳар кунни дадамни соғиниб йиглаганимдай», деди митти қўлчалари билан онасининг юзларини силаркан.

Қамбарой боласининг саволларидан юраги эзилб кетди. Қани энди мўъжиза руй берса-ю...

Тугриси, ширин турмушига раҳна тушишида уз онасининг ҳам айби бор. Қизининг рангига, кайфиятига қараб, тасалли бериш урнига ҳадеб «Нима гап, қайнонанг яхшими, сени хафа қилмаяптими? Эринг совга олиб келадими? Нега бир-икки куп этиб кетмайсан? Уйим-жойим, болам, деб уша еққа югурсан?» — деб холи-жонига қўймади. Бу суроқлардан Қамбаройнинг кунгли були-

на бошлади. Гап-суз, аччиқтирсиклар кулайди. Уйим-жойим, деб тортишмаганинг рузғори тузайди, — деганларидек охир-оқибатда Қамбарой онасиникига аразлаб кетиб қоладиган одад чиқарди. Аввалига эри Расулжон майла-қуйда гап қилиб олиб келди. Бироқ бу ҳол бир неча бор такрорлангач кетди-кетди билан у ҳам чарчади шекилли, бормаи қўйди.

Мана бир йилдики, Қамбаройнинг кузлари ерининг йулида ниғорон. Уйда эса дарак йўқ. Узилган утганини билиб хонадонига бош эгиб боришга журъд тополмасди.

Бир кунни Қамбарой бозорда эрини куриб, тили калимага келмай қотиб қолди. Хайрият, Расулжондан садо чиқди:

— Шундай юраверамизми? Углимни соғиниб кетдим. Е...

— Сиз нима десангиз шу, — деди Қамбарой шоша-пиша. Чунки у бахт ширин турмушда эканлигини англаб етгайди.

Эртасига Расулжон хотини ва углини уйига олиб кетди.

... Ҳозир уларнинг уч нафар фарзандлари бор. Ҳар йил баҳорда ҳовилидаги урик, шафтоли кийғос гуллайди. Шабада дув этиб гулларни майсалар устига тукади. Йулақдан утаётган Қамбаройнинг ёди угилчасининг «гулларни боссам йиглайдими?» деган саволи тушадида, авайлаб қалам ташлайди. Лаблари «ҳаётда гуллар ҳам, болалар ҳам, оналар ҳам асло йигламасин» дея пичирлайди...

Мукаррама ҒАНИЖОН

қизи



ИЖАРАГА ЭР

Ажабтовур гаплар

Биз зазиллашаётганимиз йўқ. Американинг Мэн штатидаги хизматга ҳозир-нозир фирманинг номи шунақа. Аммо олдиндан айтиб қўяйлик, бева аёллар, хаёллари турли томонларга йургалайдиганлар бу хабардан қувониб утирмасин: Уларга таассуф билан шуни маълум қиламизки, мазкур фирма бор-йўғи ҳужалик ва қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланади, холос.

Тиниб-тинчимас америкаликлар омади юришиши учун нималарни уйлаб топмайди дейсиз? Гап шундаки, рақобат бозориди тез кузга ташланиши, муай даромад ишлаш мақсадида «Мелбрен констракшн» фирмасининг бошлиги Кайл Уоррен обдон уйлади, ҳатто фирмасига бу номи топганида «буёқ» ихтиросидан қувониб «эврика» деб бақирганида гуе Архимед тиришиб келгандек бўлди.

Айни пайтда штатдаги олтига савдо нуқтасидан ижарага «эр» олса булади. Ихтиро соҳибининг айтишича, бу ном миждозларнинг хотирасида яхши сақланаркан, қолаверса фирманинг бундай номларини одамларда қатта қизиқиш уйғотди.

Хуллас, фирма ходимлари квартира ва офисларни таъмирлайди, уй-жойларни тартибга келтиради ва бошқа бир

қанча уй юмушларини бажаради. Айтиш мумкинки, уй юмушлари билан доим банд буладиган соҳибаларга кун туғди. Ҳатто уй соҳибалари чойшаб, идиш-товоқ ювиш, полини тозалаш каби бош оғриқлардан ҳам халос бўлишарди. Телефон гушагини кутариб «Прокатта эр» фирмасига буюртма беришарди, вассалом. Фирманинг халқ орасида оммавийлашиб бораётгани сабаби ҳам шунда.

«Ижарага эр» деган езув битилган фирма машиналарининг уйи олдига келиб туриши эрларининг сал гапни келтираётганини айтмасан... Ҳар ҳолда куни-қушни олдида ҳар хил гап-суз тарқалиши эрларнинг иззат-нафсига тегиши мумкин. Бироқ бунга қарамай Уорренга тadbиркорлардан турлича таклифлар тушмоқда. Улар пул эвазига уз компаниясини шундай номлаш ҳуқуқини сотиб олиш илтижиди.

Ишқилиб турмуш ташвишлари куп. Дейлик... хонимнинг эри ишла. Нима қилиш керак? Энди бу галвандан бош оғрмайди. Негаки, унинг бир «эри» ҳужалик ишларини қилади, лозим қурилса бир «эри» боласига қарайди ва ҳоказо...

Алижон САФАРОВ
тайёрлади

ТҶЙ

(Ҳангома)

Фёлимдан рози эмасман. Жаҳлим бурнининг учиди. Ҳозир ҳам туйламау асабим қузияпти. Кузларимнинг қисилиб, тишларимнинг гижирлаётганини биров сездимикан, деган маънода ён-веримга аланга лайман. Одамларнинг парвойи палак! Фақат нариги қатордагилардан бировнинг кайфи ошипти.

— Ху-у, туйбоши, — дерди ҳалиги киши балинд товушда гудуллаб, — кукка кутариб мақтаётган ҳофизингга айт, узи уқисин. Нуқул лентани айлантирмасин!

Даврабоши унинг олдида келиб, кулоғига нимадир, деб пичирлади. — Товуши бугилган булса, — ичган одам баттар учакишти, — микрофони оғзига қопқоқ қилиб, бош уйнатишининг кимга кераги бор? Жавобини бериб юборинг, лентани узи уқийверди.

Даврабоши унинг елкасини силаб, урнига утиргизди. Ароқ, яхна буюриб, устма-уст икки пиёла ичириб, тилини калимага келмайдиган қилди.

Ғе ҳақиқат сийланиб суйилди. Катта даврада, дастурхон устида.

Олдийгина. Куй ва қушиқдан кафан бичилиб рақслар авжига кумилди...

Бундоқ қарасам титрашман... Узимни овуғмоқчи булиб, даврага тикилдим. Ҳофиз ҳамон микрофони оғзига қопқоқ қилганича ҳавода чайқалгани чайқалган. Рақс ҳам ажабтовур. Бири ҳаракатларини куйга киритмоқчи булса, бири тайрилиб тушишдан қўрақётгандай оёғини ердан аранг узди. Бошқа бирови уялгандан номга қимирласа, тагин бирови макиён курган хуроздек қанот қоққан-қоққан! Шу топда қаватимдагиларнинг гурунги кулоғимга чалинса денг!

— Сунгги пайтларда туйлар қизларнинг қузини очди. Қаранг, ҳайқиш йўқ.

— Тавба одамлар термулиб турсаю, қандай қилиб томоғидан овқат утаркан-а?

— Улар шунга урганшган.

— Эмга ўрганган сўкимдай денг?! Мен астагина туриб, уйга жунадим. Йул-йўлакай ўзимдан, анниқроғи, фёлимдан ранжирдим. Рост-да, туй кимникию азаси кимнинг бошида...

Чоршанби БОЙБҶСИНОВ,
Денов тумани

СУПЕРКРОССВОРД

ЭНИГА

4. «Иш» сўзининг синоними, кўпроқ шеваларда ишлатилади.
 10. Россияда ўтказиладиган кинофестивал.
 11. Санъатдаги оқим.
 14. «Жими» сўзининг ошнаси.
 15. Тўтининг бир тури.
 16. Асбобнинг жуфти.
 17. Идора.
 18. Франциядаги шаҳар.
 19. Кавказдаги халқ.
 21. Нота.
 22. Фасл.
 23. Унинг остида дузлга чикишади.
 27. Одатда тахтани у билан ўлчашади.
 28. Маҳаллий ўз ўзини бошқарув органи.
 29. МДХдаги шаҳар.
 32. Унинг бўйни узун.
 33. Македонскийнинг миллати.
 35. Ўзбекистон ёшларининг жамғармаси.
 38. Узумнинг «онаси».
 40. Нота.
 41. Конфетнинг бир тури.
 43. Тутанхамоннинг ватани.
 45. Нимжон, нотавон.
 48. Кўшни миллат тилида «тоғ» сўзи.
 49. Ҳолливуднинг машҳур режиссёрларидан бири.
 51. Эҳтиёт бўлмасанг, у хар боб билан уради.
 52. Рангли телевизор маркаси.
 56. Бразилиядаги йирик шаҳарнинг қисқартма номи.
 57. Кўз қарашнинг салбий кўриниши.
 58. Оролда жойлашган Европадаги давлат.
 59. Самолёт билан душман самолётини уруш.
 62. Ер юзидаги энг қадимий шаҳарлардан бири.
 63. Ўз ишининг устаси.
 64. Шов-шувга сабаб бўлган, энг кўп сотилган китоб.
 68. Хохиш, истак.
 69. «Ота»нинг шевадаги шакллари.
 71. «Гулзор... сендек гул йўк».
 72. Адабий жанр.
 74. Яқин шарқдаги шаҳар.

76. Уолт Дисней мулффили қахрамони.
 77. Республикамиздаги газета.
 79. Энг яқин қариндош.
 82. Самолёт русуми.
 83. Китоблардан бири.
 101. Сон.
 102. Бошқирдистон пойтахти.
 103. Ўтмишда мамлакатимиз худудида подшолик қилган сулолалардан бири.
 104. Россиядаги шаҳар.
 105. Унинг ози ширин.
 106. У вулқондан отилиб чиқади.
БҮЙИГА
 1. Фан номзодилик киши.
 2. Қизларнинг исмига кўшиладиган хурмат маъносидаги сўз.
 3. «Донолар меваси».
 4. Болтиқ бўйидаги курорт шаҳар.
 5. мунаси.
 9. Азоб, укубат.
 12. Ит, фақат тескарисига.
 13. Чакса додлатади.
 20. Автомобилсозлар шаҳри.
 22. Яхшининг антоними.
 24. Араб имлосидаги ҳарф.
 25. Тошкент вилоятдаги кичик шаҳар.
 26. Тавба қилиш.
 30. Икснинг ошнаси.
 31. Ўзбекча исм, ёхуд япон фирмаси.
 34. «Дом» сўзига

Олий ўқув юрти.
 6. Электр энергияси узилиб қолса, уни ёқасиз.
 7. Байрамдан олдинги кун.
 8. Адабиётнинг, санъатнинг нодир на- синоним.
 36. Рекламда айтилишича, ундан яхши кирювиш воситаси йўқ.
 37. Секиннинг антоними.
 39. Япониянинг оғир юк кўтарувчи кран машинаси.
 42. Физик термин.
 44. Бардош, қаноат.
 46. Кимёвий ашё.
 47. Юк кўтарувчи машина.
 50. Пайгамбарлардан бири.
 52. Машҳур футбол юлдузи.
 53. Йўқнинг антоними.
 54. Қадимги грек достони.
 55. Қозогистонда ишлаб чиқарилаётган телевизор.
 60. Россия телевидениесининг спорт студияси.
 61. Курьонда спиртли ичимликларнинг умумий номи.
 64. Бу кўлни Сибир томонлардан изланг.
 65. Машҳур актриса Лореннинг исми.
 66. Сайёралардан бири.
 67. Автомобил пойгаси.
 69. МДХ таркибидаги давлатлардан биридаги шаҳар.
 70. Йирткич ҳайвон.
 73. Россиянинг ҳарбий самолётларидан бири.
 75. Табиий ёқилги тури.
 78. Хушбўй ичимлик.
 79. Тожиклар сувни шундай аташади.
 80. От, фақат тескарисига.
 81. Машҳур швед эстрада гуруҳи.
 84. Елим.
 85. Дақиқа, сония.
 87. Қимматбаҳо тош.
 88. Нота.
 90. Пайгамбар, Аллоҳнинг элчиси.
 92. Мотоцикл русуми.
 94. Нота.
 95. Чучқуриш.
 96. Бир қатор Шарқ мамлакатларидаги пул бирлиги.
 97. Дурадгорлик асбоби.
 98. Чорвачилик маҳсулоти.
 99. Чарчаганда шу сўз айтилади.
 100. Футболдаги вазият.

Олий ўқув юрти.
 6. Электр энергияси узилиб қолса, уни ёқасиз.
 7. Байрамдан олдинги кун.
 8. Адабиётнинг, санъатнинг нодир на- синоним.
 36. Рекламда айтилишича, ундан яхши кирювиш воситаси йўқ.
 37. Секиннинг антоними.
 39. Япониянинг оғир юк кўтарувчи кран машинаси.
 42. Физик термин.
 44. Бардош, қаноат.
 46. Кимёвий ашё.
 47. Юк кўтарувчи машина.
 50. Пайгамбарлардан бири.
 52. Машҳур футбол юлдузи.
 53. Йўқнинг антоними.
 54. Қадимги грек достони.
 55. Қозогистонда ишлаб чиқарилаётган телевизор.
 60. Россия телевидениесининг спорт студияси.
 61. Курьонда спиртли ичимликларнинг умумий номи.
 64. Бу кўлни Сибир томонлардан изланг.
 65. Машҳур актриса Лореннинг исми.
 66. Сайёралардан бири.
 67. Автомобил пойгаси.
 69. МДХ таркибидаги давлатлардан биридаги шаҳар.
 70. Йирткич ҳайвон.
 73. Россиянинг ҳарбий самолётларидан бири.
 75. Табиий ёқилги тури.
 78. Хушбўй ичимлик.
 79. Тожиклар сувни шундай аташади.
 80. От, фақат тескарисига.
 81. Машҳур швед эстрада гуруҳи.
 84. Елим.
 85. Дақиқа, сония.
 87. Қимматбаҳо тош.
 88. Нота.
 90. Пайгамбар, Аллоҳнинг элчиси.
 92. Мотоцикл русуми.
 94. Нота.
 95. Чучқуриш.
 96. Бир қатор Шарқ мамлакатларидаги пул бирлиги.
 97. Дурадгорлик асбоби.
 98. Чорвачилик маҳсулоти.
 99. Чарчаганда шу сўз айтилади.
 100. Футболдаги вазият.

Олий ўқув юрти.
 6. Электр энергияси узилиб қолса, уни ёқасиз.
 7. Байрамдан олдинги кун.
 8. Адабиётнинг, санъатнинг нодир на- синоним.
 36. Рекламда айтилишича, ундан яхши кирювиш воситаси йўқ.
 37. Секиннинг антоними.
 39. Япониянинг оғир юк кўтарувчи кран машинаси.
 42. Физик термин.
 44. Бардош, қаноат.
 46. Кимёвий ашё.
 47. Юк кўтарувчи машина.
 50. Пайгамбарлардан бири.
 52. Машҳур футбол юлдузи.
 53. Йўқнинг антоними.
 54. Қадимги грек достони.
 55. Қозогистонда ишлаб чиқарилаётган телевизор.
 60. Россия телевидениесининг спорт студияси.
 61. Курьонда спиртли ичимликларнинг умумий номи.
 64. Бу кўлни Сибир томонлардан изланг.
 65. Машҳур актриса Лореннинг исми.
 66. Сайёралардан бири.
 67. Автомобил пойгаси.
 69. МДХ таркибидаги давлатлардан биридаги шаҳар.
 70. Йирткич ҳайвон.
 73. Россиянинг ҳарбий самолётларидан бири.
 75. Табиий ёқилги тури.
 78. Хушбўй ичимлик.
 79. Тожиклар сувни шундай аташади.
 80. От, фақат тескарисига.
 81. Машҳур швед эстрада гуруҳи.
 84. Елим.
 85. Дақиқа, сония.
 87. Қимматбаҳо тош.
 88. Нота.
 90. Пайгамбар, Аллоҳнинг элчиси.
 92. Мотоцикл русуми.
 94. Нота.
 95. Чучқуриш.
 96. Бир қатор Шарқ мамлакатларидаги пул бирлиги.
 97. Дурадгорлик асбоби.
 98. Чорвачилик маҳсулоти.
 99. Чарчаганда шу сўз айтилади.
 100. Футболдаги вазият.

Тузувчи
 Дармон
 БЕК

